



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИБРАТЛИ ТАШАББУСЛАРИ

2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган «Маърифат ва диний бағрикенглик» тўғрисидаги резолюция бир овоздан қабул қилинди. Бу ғояни БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тақлиф этган эди.

Резолюциянинг асосий мақсади фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш орқали дунёда саводсизлик ва ҳаётдаги бартараф бериш, бағрикенглик, ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қўмаклашиш каби фундаментал умуминсоний тамойилларнинг дунёвий устуворлигига эришишга қаратилган. Ушбу ҳалқаро ақнинг мазмун-моҳияти БМТ доирасида қабул қилинган энг муҳим ҳужжатлар, жумладан, БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Дин ёки эътиқодлар замиридаги мurosасизлик ва камситилишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги декларация каби ҳалқаро ҳужжатларга тўлиқ ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон ташаббуси БМТ аъзолари томонидан мутлақ яқдллик билан қўллаб-қувватлангани қувончли ҳол, албатта. Масаланинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, элликдан ортиқ давлатлар, жумладан, ислом динининг она диёри — Саудия Арабистони ҳам мамлакатимиз тақлиф этган ҳужжатга ҳаммуаллиф бўлиш истагини билдирди. Тарихдан хабардор кишилар бундай воқеа охиригиз юз йилликлар давомида илк бор кузатилаётганини яхши тушунадилар. Демак, Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган ҳужжатнинг оламшумул аҳамияти янада ойдинлашади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги зиддиятларга тўла таҳликали замонда бирон-бир масалада ҳалқаро ҳамжамиятнинг мутлақ яқдлликка эришиш деярли имконсиз бўлиб қолди. Дин билан боғлиқ масалаларда эса бу жиҳат ундан-да қийинроқ. Бунга қўллаб-қувватлаётган айрим ихтилофли вазиятлар бу фикрни тасдиқлаб турибди. Ана шундай шароитларда диний қадриятларга бевосита дахлдор масала бўйича Ўзбекистон томонидан тақлиф этилган ҳужжатнинг ҳалқаро миқёсда мутлақ яқдллик билан қўллаб-қувватлангани ибратлидир.

Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг ҳалқаро ҳамжамият томонидан қизгин қўллаб-қувватлангани тасодифий ҳол эмас, албатта. Бундай ҳамфикрликни таъминлаган бир неча жиҳатларни изоҳлаш ўринли. Биринчидан, резолюцияда бугунги дунё учун энг муҳим бўлган ҳаётини масалалардан бир-бирига узвий боғлиқ бўлган иккитаси — маърифатни ривожлантириш зарурати ҳамда турфа динлар ва миллатлардан иборат ҳалқаро ҳамжамиятда «бағрикенглик» қадриятлар — барча мамлакатлар манфаатларига мос тарзда ўз ифодасини топиши. Иккинчидан, ушбу масаланинг, бугунги замон тақозо этаётган бир вақтда, ҳалқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола қилинган. Учинчидан, мазкур ҳасос ҳаётини ғоя ҳалқаро ҳамжамият аъзолари эътирозига сабаб бўлмайдиган шаклда расмийлаштирилган.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага диққатни жалб этишни истар эдик. «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси охиригиз бир йил давомида Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ томонидан қабул қилинган иккинчи ҳалқаро ҳужжатдир. Бундан олдинроқ, яъни 2018 йилнинг 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва исчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» резолюцияси қабул қилинган эди. Унинг лойиҳаси Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилгани яхши маълум. Ушбу ҳужжат ҳам БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Айташ ўринлики, бу ташаббус ҳам Ўзбекистон раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида илгари сурилган. Мазкур ғоя кейинчалик БМТ шафелигида 2017 йилнинг ноябрида Самарқандда ўтказилган «Марказий Осиё: янгона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги ҳалқаро

конференциядаги Президентимиз нутқида янада чуқурроқ асослантирилгани яхши маълум. Минтақа давлатлари ташқи ишлар вазирлари иштирокидаги мазкур конференция яқунлари бўйича БМТнинг юқорида зикр этилган Марказий Осиё давлатлари хавфсизлигини таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги сазй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга доир махсус резолюциясини қабул қилиш тақлиф этилгани барчамизга маълумдир, эҳтимол. Ушунда Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари номидан БМТга киритилган резолюция лойиҳаси қисқа муддат ичида тўлақонли ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатга айланди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги икки йил давомида Ўзбекистонда диний-маънавий соҳада содир бўлаётган туб ўзгаришлар ҳалқаро ҳамжамиятнинг эътиборини жалб қилиб, унинг эътирофи сазовор бўлмоқда. Пировардида, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга муносабат тубдан ижобий томонга ўзгармоқда. Қисқа муддат ичида Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган бир эмас, иккита ташаббуснинг БМТ томонидан қўллаб-қувватлангани бунинг яққол исботидир.

Баён этилганлардан чиқадиган мантқиқий ҳулоса шуки, давлатимиз раҳбарининг фаол ташаббускорлиги ҳар бир фуқаро учун ибрат мактаби бўлиши керак. Модомики, Президентимиз сазй-ҳаракатлари туфайли ҳалқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистонга бўлган муносабати жадал ўзгариб бораётган экан, биз — барчамиз бу каби ҳаётбахш жараёнлардан ташқарида қолишимиз мумкин эмас.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси ҳам мамлакатимизда кечаётган туб ўзгаришлар, айниқса, диний-маънавий жараёнларнинг фаол иштирокчилари қаторида бўлишга интиломоқда. Бунда дунёимиз тараққиётининг ўзига хос жиҳатларидан бири — исчил кенгайиб бораётган глобаллашув феномени диний-маънавий ҳаётни ҳам қамраб олаётгани мунтазам эътиборимизда бўлиши шарт. Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси зиммасига юкланган масъулиятли вазифаларнинг сифатли ижроси ҳалқаро илмий-амалий ҳамкорликни ривожлантириш билан узвий боғлиқ эканини яхши идрок этамиз. Шунга мувофиқ, академия фаолияти бошланган пайтдан буён ўтган қисқа даврда ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Мисрнинг Ал-Азхар, Айн Шамс университетлари, «Хивор» илмий-таҳлилий маркази, Туркиянинг Займ, Салжук, Ибн Халдун ва Кастамону, Индонезиянинг Султон Шариф Қосим ва Саҳид, Малайзиянинг Ислам фанлари университети, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, БАА, АҚШ, Германия, Хитой, Австралия, Россия ва Қозғистон каби мамлакатларнинг турдош олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда етакчи исломшунослари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг октябрь ойида Миср Бош имоми, Ал-Азхар мажмуаси раҳбари, шайх Аҳмад Муҳаммад Таййиб бошчилигидаги делегация Ўзбекистон ҳалқаро ислом академиясида бўлди. Учрашувда ўзаро ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди. Мазкур ҳамкорлик алоҳидада мисрлик мутахассислар Ўзбекистонлик талабаларга араб тилидан дарс бермоқда.

Академия жамоаси 2019 йилда ҳам ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратишни режалаштирмоқда. Жумладан, Миср Араб Республикасидаги бошчи режалаштирилаётган Ўзбекистон делегацияси таркибига академия вакиллари ҳам киритилган. Бўлажак зиёрат давомида Мисрнинг яна бир қатор нуфузли олий таълим, маънавий-маърифий ва илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсад қилинган.

Заҳидулло МУНАВВАРОВ,
Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси кафедра мудири,
сиёсий фанлар доктори, профессор.
ЎзА

БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ ИШЛАРИ




ОРОЛГА ЯНГИ ҲАЁТ КИРИБ КЕЛМОҚДА

Орол денгизи тубидаги суви қуриган майдонларда шамол туфайли юзага келадиган кучли қум, туз ва чанг бўронлари таъсирини камайтириш, қум кўчишини бартараф этиш, минтақада экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида «Яшил қопламалар» — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш бошланди.

2

«ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА



МИЛЛИЙ АРМИЯ ИЛҒОР МУТАХАССИСИ

Муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида илк бор «Илғор мутахассиси»

қўрик-танлови ўтказилди

Фориш дала-ўқув майдонида Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилган қўрик-танловдан мақсад муддатли ҳарбий хизматчи, оддий аскарларнинг жанговар вазифаларга масъулият билан ёндашишини, матонат, абжирлик, ташаббускорликларини синашдан иборат бўлди. Замонавий жанг амалиётларида қурол-аслаҳалар, зирхли ва жанговар ҳарбий техникалардан фойдаланиш, тактик кўникма, экстремал шароитларга бардошлиликни намоён этиш, шунингдек, барча ҳарбий округдан келган сафдошлар билан тақриб айланиш ушбу қўрик-танлов шартларидан ўрин олди.

Ўз мутахассисликлари бўйича баҳсларга киришган муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ҳар бири сазй-ҳаракати офицерлар ҳайъати томонидан назорат қилиб борилади.

Бу қўрик-танлов давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллий

армиямиз қудратини намоён этувчи юқори даражадаги жанговар шайлиқ, қўшинларнинг ҳар қандай вазият ва шароитда профессионал имкониятга эга бўлишини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ислохотлар қўламини белгилаб беради, — дейди ҳайъат аъзоси, подполковник Машхур Аглаев. — Аскарларимиз Т-72, БТР-80, БМП ҳарбий техникалари, ўқотар ва оммавий қиргин қуролларига қарши воситалардан аъло даражада фойдаланди.

— Бу беллашувда қатнашганимдан хурсандман, — дейди Тошкент ҳарбий округи шарафини ҳимоя қилаётган оддий аскар Шертой Сариев. — Т-72 русумли танкнинг механик-ҳайдовчиси сифатида яхши кўрсаткичга эришдим. Аскарлар ўз мутахассисликлари бўйича қўрик-танлов шартларига жуда аниқлик билан риоя қилдилар. Ҳар

қарич масофа, ҳар миллиметр аниқлик ва ҳар сония рақобати остида кечган мurosасиз беллашув чинакам маҳорат қуриғига айланди.

— Танловда қўллаб ҳарбий тажрибаларни ўзлаштирдим. Танлов шартлари одиллик ва шаффофлик мезонлари орқали баҳоланди, — дейди Шимолий-Ғарбий ҳарбий округда хизмат қилаётган оддий аскар, БТР-80 ҳарбий техникаси мўлжалга олувчиси Бекзод Абдукаримов. — Келгусида шартнома бўйича ҳарбий хизматда қолиб, Ватанга хизмат қилмоқчиман.

«Илғор мутахассиси» қўрик-танлови баҳслари «Термиз», «Нуристон» ва «Чирчиқ» полигонларида ҳам қизгин кечди.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, «Ватанпарвар» газетаси муҳбири.



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ УМУМКОНФЕДЕРАЦИЯСИ АЪЗОСИ БЎЛДИ

Тошкентдаги «International» меҳмонхонасида Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси ижроия кўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раҳбарияти ва масъул ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлири ва худудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари раҳбарлари, шунингдек, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси ижроия кўмитаси раҳбарлари ва аъзолари, Арманистон, Беларусь, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатларнинг касаба уюшмалари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиков, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси президенти Михаил Шмаков, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси вице-президенти, МДХ ўрмон ҳўжалиги тармоқлари ҳалқаро касаба уюшмалари федерацияси раиси Виктор Карнюшин ва бошқалар касаба уюшмалари фаолиятида ҳалқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш инсон ҳуқуқи ва манфаатларининг муҳим омилли эканини таъкидлади.

Бугунги кунда жамоа шартномасида ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида белгиланган тадбирларни бажариш учун республика бўйича бир нафар ходимга сарфланган маблағ миқдори ўртача 2,9 миллион сўмни ташкил этмоқда. Ходимлар меҳнатига муносиб иш ҳақи тўлиниши, хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, улар меҳнати ва саломаатлигини муҳофаза қилиш масалалари ҳам касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида бўлмоқда.

Давоми 3-бетда. ▶

ОРОЛГА ЯНГИ ҲАЁТ КИРИБ КЕЛМОҚДА

Орол денгизи тубидаги суви қуриган майдонларда шамол туфайли юзага келадиган кучли қум, туз ва чанг бўронлари таъсирини камайтириш, қум кўчишини бартараф этиш, минтақада экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида «Яшил қопламалар» — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш бошланди.

Бугун мазкур тadbир жараёнида Мўйноқ тумани «Тик ўзақ», «Бозатов», «Маделли» ва «Ҳоким ота» овул фуқаролар йиғинларида саксовул уруғини йиғиш, шунингдек, «Сургул» участкасида саксовул уруғи ва кўчатини экиш ишлари амалга оширилмоқда.


Айни пайтда ушбу ҳудудда саксовул экиш учун 5000 гектарга яқин ер майдони тайёрланди ҳамда 1100 гектар ер майдонга (шундан 1060 гектар уруғдан ва 43 гектар кўчатдан) саксовул экилди ҳамда бу ишлар кизгин давом этмоқда. Тўғриси, одамлар катта ҳаяжон ва қувонч билан енг шимариб меҳнат қилишмоқда. Улар тарихий ишларни бажараётганини англаб туришибди.

Шу билан бир қаторда, Мўйноқ тумани «Қазақдарья — Порлитаў» йўналишидаги маҳаллий ҳокимлик балансида бўлган 47 километр узунликдаги ички йўлларни таъмирлаш, шунингдек, ушбу ҳудуддаги «Дарёоралик» сув омбори дамбаларини мустаҳкамлаш ишларига ҳам киришилди. Ушбу объектда 200 га яқин техника ва юзлаб одамлар ишламоқда.

Маълумки, Президентимиз топиригига биноан 2018 йилнинг 21-22 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Неъматов бошчилигидаги делегация БМТ собиқ бош котиби Пан Ги Мун раҳбарлик қилаётган Яшил таъриқет глобал институтига ва Мослашув бўйича глобал комиссия билан ҳамкорлик ўрнатиш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Корея Республикасига ташриф буюрган эди. Унга қўра, Пан Ги Мун билан Сеул шаҳрида ўтказилган учрашувда Оролбўйи минтақасидаги экологик ва иқтисодий-иқтисодий вазият тўғрисида фикр алмашилди. БМТ собиқ бош котиби Орол инқирозининг салбий оқибатларига қарши курашиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолади ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро ҳамжамиятнинг мазкур муаммага диққатини янада кўпроқ жалб қилиш ва уни ечиш учун донорлик ёрдамларини сафарбар қилишга қаратилган халқаро ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

«Президент Шавкат Мирзиёев билан яқинда Тошкентда бўлиб ўтган учрашувда кенг қамровли масалаларни, жумладан Орол фожияси оқибатларига қарши курашиш учун халқаро донорлик ҳамжамиятларининг куч ва ресурсларини жалб қилишни муҳокама қилган эдик. Мен Ўзбекистон раҳбарининг заковати, етакчилиги сифатларига ва унинг мазкур глобал муаммони ҳал этиш учун қўрсатаётган жонқурлигига лол қолдим. Биз Ўзбекистоннинг Яшил таъриқет глобал институтига ва Мослашув бўйича глобал комиссия билан ҳамкорлик ўрнатишга қизиқиш билдирганини қўллаб-қувватлаймиз», — деб қайд этган эди Пан Ги Мун.

Мамлакат делегацияси Яшил таъриқет глобал институтини (GGGI) штаб-квартирасига ҳам ташриф буюриб, мазкур ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари билан танишди. Ўзбекистоннинг Кореядаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган тақдирот чоғида GGGI



мутахассислари Орол бўйидаги ҳолат билан муфассал таништирилди.

Қайд этилишича, Оролбўйи ҳудудини тиклаш бўйича лойиҳаларнинг тақдироти якунида мавжуд вазиятни жойининг ўзида ўрганиш ва тақдим қилинган лойиҳаларни амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ қилиш учун GGGI мутахассисларининг мамлакатга ташрифини ташкиллаштириш тўғрисида келишувга эришилган.

Алоҳида таъкидлаш кераки, мазкур тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқларига асосида амалга оширилмоқда.

Узақберген УТАМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги қўмитаси раиси:
— Бизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги қўмитасига 16 та ўрмон хўжалиги бириктирилган бўлиб, 652 нафар ишчи-ҳодимимиз бор. Оролбўйи ҳудудида ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш мақсадида барчамиз саксовул ўсимлигини экиш ишларини олиб бормоқдамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Министрлар Кенгашининг 45-сон буйруғига асосан бу ишларда 100 дан ортиқ техника ва 1000 дан зиёд киши қатнашмоқда. 10152 гектар ерга қариқлаб, яъни жўяк тортиб, 1832 гектар майдонга саксовул уруғидан ўрмон яратиш, 104 тонна саксовул уруғини тайёрлаш ишлари олиб боришмоқда.

Яқинда Мўйноқ тумани Оролбўйи ҳудудида махсус-ўқув машқи ўтказилди. Тадбирни бажаришга шаҳар ва туманлар кесимидаги ўрмон хўжалиги бўлими ва ободонлаштириш бошқармаларидан

«Денгиз қуриди, деб неча йиллар дод солиб ўтирдик, эртага нима бўлади, деган қўрқув билан яшаб келдик. Ҳозиргидек тарихий воқеалар юз беришини ҳеч биримиз ҳаттоки тушимизда ҳам кўрмадик. Бунча куч, бунча маблағ ажратилишини ҳеч ким кутмаган».

қўлабди ва жониворлар сони ортишига сабаб бўлади. Янги яйловлар пайдо бўлади. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, Орол денгизига пайдо бўлган ўрмонзорларда тажриба фермер хўжалиқларини ташкил қилиш керак. Жумладан, қорақўлчилик соҳасида 2000 бош қўй, 2000 бош эчки ва 100-200 бош туя боқиб, тажрибадан ўтказиш лозим. Яйловлар учун сув чиқарувчи скважиналарни ҳам қозиш керак бўлади. Ўрмонзор бўлганидан кейин ёввойи хайвонлар, қўшлар ҳам кўпайиб боради. Ўн-ўн икки йил ичида катта ўрмонзор яратилди. 32 йилдан буён саксовул экиб, тажриба қилиб келмоқдамиз. Бундан ташқари, бошқа ўсимликларни ҳам экиб, тажрибадан ўтказмоқдамиз.

Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси асосида қўлаб янги лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган. Ўйлаймизки, «Яшил қопламалар» ҳимоя ўрмонзорлари натижасида Оролга янги ҳаёт кириб келаётир. Бу ишлар, ҳеч шубҳасиз, минтақада фалокатларнинг олдини олади, экологик ҳолатни яхшилади, янги иш ўринлари яратади, одамлар манфаатига хизмат қилади.

Рапат АЙМУРАТОВ,
Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти «Ўсимликлар экологияси» кафедраси катта илмий ходими:

— Ўзбекистон ҳудудида саксовул ўсимлигининг 3 хил тури ўсади. Halohylon ammodendron (саксовул зайнсий) тури Устюрт ва Қизилқум ҳудудларида ёввойи ҳолда қўлаб учрайди, бута ўсимликлари оиласига қиради. Halahylon arhyllum (қора саксовул) — бу даррақ оиласига кирувчи 40-50 йил яшайдиган даррақ ўсимлик.

Halahylon persicum (оқ саксовул). Бу ўсимлик ҳам даррақлар оиласига қиради. Бу ўсимлик фақат Қизилқум чўли ва Устюртда ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар туркумига қиради.

Саксовул ўсимлиги даррақ ўсимлик бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасида чўлга чидамли ўсимликларнинг биридир. Бу ўсимлик тулпоқ таркибидagi тузларни еб, йўқ қилади, иккинчидан, кўча кўмлар тарқалишининг олдини олади. Табиий йўл билан экилгандан кейин 2-3 йилнинг қўз ойининг охирига қараб уруғга ўтиради ва ўз-ўзидан уруғларини сочиб, ёввойи ҳолда қўқариб ва чўл майдонда ўрмонзорларни пайдо этади.

Саксовул ер чизель ёрдамида 5-10 см чуқурликда суриб, саксовул уруғлари сочиб, усти 3-5 см қалинликда тулпоқ билан ёпилади. Бу йўл билан экилган ўсимлигининг 40-45 фоизи қўқариб чиқади.

Намлик йиғувчи ариқчаларни пайдо этиш орқали ерининг бети чизель ёрдамида сурилиб, сўнг 30-40 см чуқурликда плут ёрдамида ариқчалар ёрилади. Ҳар бир ариқчанинг оралиги 60 см дан 90 см гача бўлади. Бунда ариқчалар ёрилиб, уруғлар сегилади ва уруғнинг бети 5-7 см қалинликда тулпоқ билан ёпилади. Бу йўл билан экилган саксовулнинг 65-70 фоизи қўқарувчанлик беради.

Ҳозирги вақтда республикаимизда саксовулнинг энг кўп тарқалган тури бу

— қора саксовул ўсимлиги бўлиб, 40-50 йил яшайди.

Бизга Мўйноқ туманидаги «Тик ўзақ» ОФЙ ҳудудидан жами 20,3 га ер майдони ажратиб берилган. Бу майдонда Оролбўйи ҳудудига мослашган, тузга чидамли ўсимликлар уруғчилиги ва кўчатларни етиштириш ва ниҳолларни Мўйноқ ўрмон хўжалигига етказиб бериш топширилган.

Ишларимизни ривожлантириб, керакли кўчатларни етказиш бўйича амалий ҳаракатлар қилинмоқда. Орол фожиясидан зарар кўраётган денгизни яшил майдонга айлантириш ишларига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан жуда хурсандим. Бор билимимни, тажрибамни сарфлашга тайёрман.

Олим ОРИНБОЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгесидagi ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Сўнгги икки йил Мўйноқ аҳолиси учун катта тарихий ўзгаришларга бой бўлмоқда. Орол фожиясидан жабр кўраётган халқнинг қўз ўнгига мисли қўрилмаган ўзгаришлар рўй бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига ҳар бир ташрифи катта ҳажмдаги лойиҳаларни бошлаб бермоқда. Неча йиллар давомида Орол денгизи фожиясидан қийналган халқ, амалий ишларни, ўзгаришларни кўрмоқда. Президентимизнинг ҳар бир айтган гапи амалий ишлар билан тасдиқини топмоқда.

Оддий бир мисол, 101 кмлик «Мўйноқ-Кўнгирот-Тўямўй» сув тармоғининг ишга туширилиши туман халқи учун катта янгилик бўлди. Йиллар давомида муаммо бўлиб келаётган тоза ичимлик сув энди ҳар бир хонадонга кириб борди.

Муҳтарам Президентимиз Қорақалпоғистонга бўлган чексиз эътибори ва меҳрини, айниқса, Оролбўйи ҳудудини обод, фаровон қилиш учун олиб бораётган кенг қўламли ишларида кўряймиз.

Айтинг, ким ўйлабди дейсиз, қум, чанг-тўзон бўлиб ётган ерларни яшил майдонга айлантирилишини? Ҳа, кимнинг ҳаёлига қирмаган, ўйламаган ишлар бўлмоқда. Денгиз қуриди, деб неча йиллар дод солиб ўтирдик, эртага нима бўлади, деган қўрқув билан яшаб келдик. Бундай тарихий воқеалар юз беришини ҳеч биримиз ҳаттоки тушимизда ҳам кўрмадик. Бунча куч, бунча маблағ ажратилишини ҳеч ким кутмаган.

Халқимиз Президентимизнинг бевоcита ташаббуси ва эътибори натижасида бу ишлар амалга ошаётганини мамнуният билан эътироф қилмоқда. Обод қишлоқлар, обод маҳаллалар қўлаб, чирой очмоқда. Барча-барчамиз қўз қўриб, қўлоқ эшитмаган янгиликларни бағримизни кенг қилиб кутиб олмақдамиз.

Қаранг, одамларнинг кўзига боқинг, гапларига қўлоқ тутинг. Ҳар бирининг қалбидан қандай улғў орзулар қалқиб чиқмоқда. Бундай тарихий воқеаларга нафақат ғувоҳ, балки уларнинг иштирокчиси бўлаётганимиздан фахрланамиз.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МИНТАҚАДА
ЭКОЛОГИК
ҲОЛАТНИ
ЯХШИЛАШ
МАҚСАДИДА 2019-
2021 ЙИЛЛАРДА
ЖАМИ 500 МИНГ
ГЕКТАР, ШУНДАН
2019 ЙИЛДА 100
МИНГ, 2020 ЙИЛДА
160 МИНГ, 2021
ЙИЛДА 240 МИНГ
ГЕКТАР «ЯШИЛ
ҚОПЛАМАЛАР»
ҲИМОЯ
ЎРМОНЗОРЛАРИНИ
БАРПО ЭТИШ
БЕЛГИЛАНГАН.



АНИҚ АМАЛИЙ ИШЛАР БОШЛАНДИ


Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Туркменистоннинг Туркманбоши
шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қўтқариш
халқаро жамғармаси таъсисчи
давлатлар раҳбарлари мажлисидаги
нутқидан:

Орол денгизининг
қуриши муаммоси бизнинг
минтақавий фаолиятимиз
қун тартибиди алоҳида ўрин
тутади — бу бизнинг умумий
фожиамиздир. Унинг салбий
оқибатлари, афсуски,
тобора чуқурлашмоқда...
Биз умумий
манфаатларимиздан келиб
чиккан ҳолда, ушбу фожиа
оқибатларини бартараф
этиш ва Оролбўйидаги
ижтимоий-иқтисодий
вазиятни яхшилаш,
минтақанинг сув ва
экология билан боғлиқ
муаммоларига ечим
топиш бўйича барча
саъй-ҳаракатларимизни
бирлаштиришимиз лозим.

Бу йил Қорақалпоғистон аҳлини қувонтирадиган воқеалар кўп бўлди. Қуни кеча Орол фожиясининг оқибатларини юмшатиш мақсадида суви қуриган майдонларда ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш ишларига киришилди. Яна бир хайрли ташаббус рўёбга чиқа бошлади.

Утган йиллар давомида Оролнинг қуриб қолган ҳудудида саксовул ва шўрхоқликка чидамли бошқа ўсимликлардан иборат 490 минг гектарга яқин бутазорлар барпо этилди. Ушбу ишларнинг кенг қўламли давоми сифатида Орол денгизи тубидаги суви қуриган майдонларда шамол таъсирида юзага келадиган кучли қум, туз ва чанг бўронларини камайтириш, қум кўчишини бартараф этиш, минтақада экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида 2019-2021 йилларда жами 500 минг гектар, шундан 2019 йилда 100 минг, 2020 йилда 160 минг, 2021 йилда 240 минг гектар «Яшил қопламалар» — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш белгиланган.

Ҳозирда ушбу кенг қамровли тадбирга саксовул ўсимлигини экиш учун 200 тага яқин ҳар хил турдаги техника, транспорт ва механизмлар, шунингдек, 2000 нафарга яқин ўрмон хўжалиги ва бошқа ихтисослашган ходимлар жалб этилмоқда.



Мазкур тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берган топшириқларига асосида амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда экологик мувозанатнинг бузилиши инсоният ҳаётига жиддий хавф туғдираётган, турли трансчегаравий муаммоларни келтириб чиқараётгани кўпчиликка маълум. Шу маънода табиатга муносабатимизни жиддий тартибга келтириш, экология ва атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш мақсадида тизимли саъй-ҳа-

XX асрда Орол денгизи катталиги бўйича дунёда 4 ўринда бўлган. 1960 йил ҳолатига суви майдони 68,900 километр квадратни, денгиз суви ҳажми 1083 километр кубини ташкил қилган.

1960-80 йилларда 30-35 минг тонна балик овланган.

2017 йилга келиб денгиз сатҳи 8,600 километр квадратга тушиб, қирғоқдан денгиз 100-150 километрга чекинган. 55 йилда 15 баробарга камайиб, 29 метрга пасайган.

ракатлар олиб бориш замоннинг ўткир талабига айланди.

Оддий бир мисол: бугунги кунда ер юзидagi 8 миллиардга яқин аҳолининг 1,5 миллиард нафари тоза ичимлик сувига муҳтож, 2,3 миллиард нафар одам санитария ҳолати талаб даражасига жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Яна бир муаммо, дунё аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 4 нафари тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшамоқда.

Маълумотларга қараганда, трансчегаравий дарёларнинг 155 таси икки, 100 дан ортиқроғи эса уч

ёки ундан кўпроқ давлатлар ҳудудидан ўтади. Шу ўринда трансчегаравий ҳавзалар Ер юзасининг 45,3 фоизини қамраганини, бундай ҳудудларда сайёрамиз аҳолисининг қарийб 40 фоизи истиқомат қилишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Жорий йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Туркменистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари мажлисида қўйган масалалари катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу кенг қамровли нутқда бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари ҳудудидagi глобал экологик муаммо ва бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижалари таҳлил қилинди, келгуси йиллар учун энг муҳим чора-тадбирларни белгилаб олиш долзарб вазифа экани алоҳида кўрсатиб берилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари Президентлари бир-бирлари билан жуда яхши муносабатда бўлиб, ушбу яқинлик Марказий Осиё давлатларидаги трансчегаравий суви билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал этишга катта туртки бўлмоқда.

Президентимиз Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси асосчилари бўлган давлатлар раҳбарларининг қарийб ўн йиллик танаффусдан кейин ўтган тарихий мажлиси мазкур ташкилот фаолиятида янги саҳифа очаётгани, Марказий Осиё минтақасидаги ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганини алоҳида эътироф этган эди.

Юқоридаги фикр ва ғояларга таянадиган бўлсак, қорақалпоғистонлик юрдошларимизни қувонтирадиган, уларнинг турмуш шaroитидаги қийинчиликларни енгилаштирадиган, келажакка умидни мустаҳкамлашга ундайдиган қувончли воқеалар келгуси йилларда янада қўлабди, деб ўйлайман. Орол фожиясининг оқибатларини юмшатиш бўйича Ўзбекистон илгари сураётган таклиф ва ташаббуслар, шу билан бирга, аниқ амалий ишлар Орол ҳудудида экологик ҳолатни яхшилашда муҳим аҳамият касб этиши муқаррар.

Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,
Тошкент давлат юридик университети
Экология ва аграр ҳукуки кафедраси профессори, юридик фанлари доктори.

Уй-жой қурилиши борасида топшириқлар ижросини муддатидан олдин бажариш, ҳисоботлардаги статистиканинг ижобий бўлишини таъминлаш илинжида маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда.

ПАРЛАМЕНТДА «ХУКУМАТ СОАТИ»

5 ТА ВИЛОЯТДА 5 МИНГДАН ОРТИҚ УЙ-ЖОЙ ҲОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛМАГАН РОСТМИ?..

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган навбатдаги «Хукумат соати»га Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан «Шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйлари қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда қишлоқ жойларда янги-ланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш борасида амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги вазифалар тўғрисида»ги масала киритилди. Қурилиш вазири Абдуқаҳҳор Тўхтаев парламент аъзолари олдида мазкур масала юзасидан атрафлича маълумот берди.

Маълумки, мамлакат раҳбарияти ташаббуси билан ҳудудларда арзон кўп квартиралар уйлари ҳамда қишлоқларда янги-ланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши минглаб муҳтож одамларнинг мушкуллини осон қилган. Шу орқали юртимизда кўп йиллардан бери аҳолини қўйиб қалаётган ийрик ижтимоий муаммолардан бири жадаллик билан ҳал этилмоқда.

Вазир ахборотида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига мувофиқ жорий йилда жами 13917 хонадонли 335 уй-жой қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи чоғида берган топшириқларига асосан қўшимча 90 та уй қурилиши белгиланган. Шулардан 79 таси фойдаланишга топширилган. Қолганларида қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.

Биргина Қашқадарё вилоятида қурилиши кўзда тутилган 5 қаватли 14 та уй-жойнинг барчаси тўлиқ фойдаланишга топширилган. Тошкент шаҳрида эса жами 186 турар-жойнинг қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топшириш арафасида турибди.

Жорий йилги тегишли дастур доирасида жами 28583 та яқка тартибдаги уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 январьдаги «2018 йилда уй-жой қурилишини ри-



вожлантириш мақсадли дастурларини самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, республикада жами 16360 та арзон уй қурилиши белгиланган. Шундан ҳозиргача 5942 таси (37 фоизи) фойдаланишга топширилган.

Вазирнинг ахборотини тинглагандан сўнг депутатлар аҳолини уй-жой билан таъминлаш, қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида якунлаш масалаларида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Худудларда бунёд этилаётган уйлар атрофида инфратузилмани яратиш масалалари, одамларни ўйлантираётган муаммолар хусусида вазирга саволлар беришди. **Айниқса, Тошкент, Сирдарё, Бухоро, Навоий ҳамда Хоразм вилоятларида қурилиш режалаштирилган 5689 та уй-жойдан бугунги кунгача бирортаси ҳам фойдаланишга топширилмагани парламент аъзоларининг жиддий эътирозига сабаб бўлди.**

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоларининг айтишича, Сурхондариё вилояти Денов туманида 585 та оила туман ҳокимлигига арзон кўп квартиралар уй-жой билан таъминлашни сўраб мурожаат қилган. Бироқ 2017 йил якуни бўйича тумандаги 15 оила 2 сотихли бир қаватли уч хонали, 4 оила икки қаватли 3 хонали уй-жой билан таъминланган, холос. Кам таъминланган, ногиронлиги бўлган ва меҳнатга лаёқатли чекланганларнинг бор-йўли 19 тасига ана шундай уйлар берилган. Умуман, туманда уй-жойга бўлган

талаб бор-йўли 3 фоизга бажарилган.

Депутатлар Денов туманидаги «Биофас-Агро-Сервис» МЧЖ, «Сурхон қурилиш сервис» х/к, «Саноат тех-монтаж» х/к, «Ривож» уй-жой қурилиш МЧЖ пудрат корхоналари томонидан фойдаланишга топширилган 19 хонадонга бориб ўрганганда, мазкур уйлarning иситиш тизими ишламаслигига гувоҳ бўлишган. Бундан ташқари, девор сувоқлари кўчиб қолгани, ҳовли атрофида сувларни қочириш ариқчалари йўқлиги, қурилиш ишлари сифатсиз бажарилгани маълум бўлган. Бу каби камчиликлар бошқа ҳудудларда ҳам учраётгани ҳамда уларни бартараф этиш борасида вазирлик тезкор ва жиддий чора қўриши зарурлиги таъкидланди.

Сергели туманида қурилган 36 кўп қаватли уйнинг 11 таси Зангиота тумани ҳудудига кириб қолгани ҳужжатларни расмийлаштиришда муаммоларга сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, шу кунга қадар қурилиш режалаштирилган 4 боча ва 2 поликлиника учун маблаглар ажратилиш масаласи тегишли вазирликлар томонидан ҳал этилмагани, натижада амалий ишга қўл урилмагани танқид қилинди.

Сергели туманида режага кўра, 128 та 7 қаватли уй-жой қурилиши керак эди. Айни пайтда 120 та 7 қаватли уй-жой қад ростлади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тегишли маблаг ажратилмагани боис 7 таси қурилмай қолган.

Парламент қуйи палатаси вакилларининг халқимиз билан ўтказаятган очик мулоқотлари давомида аҳолини уй-жой билан таъминлашда кўплаб муаммолар борлиги кўриниб қолмоқда. Масалан, арзон уй-жойлар белгиланган муддатларда қуриб битказилмапти. Кўп жойларда шошма-шошарлик билан, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилда иш қурилиши қурилаётган бинолар сифатида жиддий таъсир кўрсатмоқда. Қурилиш маҳсулотларидан меъёрлар даражасида фойдаланмаслик ҳолатлари ҳам кўзга ташланмоқда.

Депутатлар фикрича, уй-жой қурилиш борасида топшириқлар ижросини муддатидан олдин бажариш, ҳисоботлардаги статистиканинг ижобий бўлишини таъминлаш илинжида маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Чукур ўйланмасдан, тегишли хулосалар асосида иш олиб борилмаслиги баъзи ҳудудларда янги биноларга аҳолини жойлаштиришда қийинчиликларни, қаттиқ норозиликларни юзга келтирмоқда.

Қурилиш вазирлиги раҳбарлари депутатларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, бундай ҳолатларга нисбатан вазирлик ва тегишли инспекция томонидан жиддий назорат олиб борилаётгани, камчиликларга йўл қўйган мутасаддиларга нисбатан чоралар қўрилаётганини қайд этди. Ўз навбатида, назорат қилувчи ва қурилиш объектларини қабул қилиб олувчиларнинг масъулиятини ошириш юзасидан ҳам мулоҳазалар билдирилди.

2019 йил дастурига мувофиқ, келаси йил жами 19959 та хонадондан иборат 555 та уй-жой қуриш режалаштирилган. Депутатлар мазкур уй-жойлар биринчи навбатда эҳтиёжи юқори фуқароларга адолатли тарзда тақсимланишига алоҳида эътибор қаратиш позициясини таъкидлади.

«Хукумат соати»даги савол-жавоблардан келиб чиқиб, депутатлар томонидан вазирлик фаолиятида йўл қўйлаётган саваллиқ ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳаза, таклифлар билдирилди.

Ўз навбатида, қурилиш вазири қўтарилган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан қуйи палатасига қўшимча равишда маълумот тақдим этилишини маълум қилди.

Ўз мухбиримиз.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

«Тараққиёт стратегияси» марказида «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури»да Бош прокуратура масъул ҳисобланган бандлар ижросининг дастлабки натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

БОШ ПРОКУРАТУРА: 90143 НАФАР ФУҚАРОНИНГ БУЗИЛГАН ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

Тадбирда Бош прокурор ўринбосари Эркин Юлдашев, «Тараққиёт стратегияси» маркази директори Акмал Бурхонов, Бош прокуратура Академияси бошлиғи Евгений Коленко, Бош прокуратура таркибий тармоқлари раҳбарлари, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Бош прокурор ўринбосари Э.Юлдашев матбуот анжуманини қириш сўзи билан очиб, Стратегияни амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда Бош прокуратура томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтди.

Жорий йилда прокуратурага 264 минг нафардан зиёд фуқаро мурожаат қилган. 41434 мурожаат қаноатлантирилган. 90143 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланган. Шунингдек, давлат бошқарув органлари тизимини тубдан тақомиллаштириш, ижро этувчи ҳокимият органларининг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги доирасини қайта кўриб чиқиш асосида жами 86 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари Бош прокуратуранинг бевосита иштирокида ишлаб чиқилиб, қабул қилинганлиги алоҳида қайд этилди.

Тадбирда Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари раҳбарлари Давлат дастурининг амалга оширилиши юзасидан ахборот бердилар. Хусусан, Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини қонунийликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган ислохотларни давом эттириш, хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувчилик таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар борасида ҳам маълумот берилди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида Бош прокуратура мутасадди ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ УМУМҚОНФЕДЕРАЦИЯСИ АЪЗОСИ БЎЛДИ

— Касаба уюшмалари Умумқонфедерацияси ижроия қўмитасининг сайёр йиғилиши мамлакатимизда ўтказилиши катта аҳамиятга молик, — деди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси матбуот хизмати раҳбари Мухаммад Урмонбекова. — Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва федерация фаолиятига берилган юқори баҳо.

Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси фаолиятининг асосий йўналишлари билан батафсил таништирилди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини қучайтириш, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга ургу берилди.

— Ўзбекистон касаба уюшмаларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги асосий қўмитаси —

«Давоми, бошланғичи 1-бетда.

сидаги иштироки, бандликни таъминлашга қўмаклашиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, аҳоли билан қайта алоқани йўлга қўйиш йўналишларидаги фаолияти диққатга сазовордир, — деди Касаба уюшмалари Умумқонфедерацияси бош котиби Владимир Шербаков. — Мамлакатимизда касаба уюшмаларига бирлашиш эркинлиги тўла таъминланаётгани, меҳнат жамоаларида жамоа шартномаларининг амал қилаётгани, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг етакчи касаба уюшма ҳаракатлари билан халққаро ҳамкорлиги ривожланаётгани яхши самара беради.

Касаба уюшмалари Умумқонфедерацияси ижроия қўмитасининг сайёр йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Касаба уюшмалари Умумқонфедерациясининг «Касаба уюшма ҳаракати олдидаги хизматлари учун» фахрий олтин нишони

билан тақдирлаш тўғрисидаги таклиф киритилди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат-кашларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, умумий миллий миқёсда ижтимоий шериклини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон касаба уюшмалари нуфузини ошириш борасидаги улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Касаба уюшмалари Умумқонфедерациясининг «Касаба уюшма ҳаракати олдидаги хизматлари учун» фахрий олтин нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги таклиф бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Сайёр йиғилишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясини Касаба уюшмалари Умумқонфедерацияси аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди ва ушбу масала бир овоздан қўллаб-қувватланиб, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси касаба уюшмалари Умумқонфедерацияси аъзолигига қабул қилинди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири.

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Санъат арбоблари уюшмаси ва Ўзбек Миллий Академик драма театри ҳамкорлигида «Маргилонлик қиз», «Мафтунингман» каби бадий фильмлар сценарийси муаллифи Туроб Тўла таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира тадбири бўлиб ўтди. Унда ёзувчининг оила аъзолари, санъатшунос олимлар, театр актёрлари иштирок этди.

Хотира кечаси

Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Мин-хожиддин Мирзо тадбирни очар экан, адабнинг ижоди, унинг маданият, санъат, адабиёт соҳасига қўшган улкан ҳиссасини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров Туроб Тўла билан бўлган ижодий ҳамкорлик, айниқса, «Мажнунот» қўшигининг яралиш тарихини сўзлаб берди.

Мафтунахон СУНАТЛЛАЕВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

Махсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

Бугун азим Тошкент ҳар қачонгидан уйғоқ, шашти баланд. Қўлаб соҳаларда тарихий ўзгаришлар бўлмоқда. Айниқса, саноати гуркираб ривожланмоқда. Буни «Ўзгиротехсаноатхолдин» акциядорлик жамияти тизимидаги қатор корхоналар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Қишлоқ ҳўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, ички ва ташқи бозорларга рақобатбардош қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва ускуналарини ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган сиёсатни амалга ошириш борасидаги ишлар изчил олиб борилмоқда.

Жамиятга қарашли биргина Тошкент қишлоқ ҳўжалиги техникаси заводи акциядорлик жамиятида айни пайтда 7 турдаги трактор, 2 турдаги пахта териш машинаси, шунингдек, юк ташигиша иختисослашган тиркамалар ва қатор шешлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона конвейерларидан чиқаётган «ТТ3100 НС», «ТТ3 3811», «Белорус», «New Holland» русумли тракторлар, пахта териш машиналари ва тиркамалар хорижа ҳам экспорт қилинмоқда.

— 2017 йилда 17 миллион АҚШ доллари миқдоридagi қишлоқ ҳўжалиги техникалари Ҳиндистон, Покистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари давлатларга экспорт қилинганди, — дейди жамият

бош директори **Абдурахмон Орифжонов**. — Жорий йилда ҳам экспорт ҳажмининг ошириш борасида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бундан ташқари, корхонамизда тайёрланган қишлоқ ҳўжалиги техникаларини ички бозорга етказиб бериш ишлари ҳам анча салмоқли. Биргина мисол, жорий йил мобайнида 900 миллиард сўмликдан зиёд қишлоқ ҳўжалиги техникалари мамлакатимиздаги қатор деҳқон ва фермер ҳўжаликларига етказиб берилди. Шунингдек, корхонамиз Германия, Италия, Туркия, Жанубий Корея сингари давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий технологиялар ҳисобига бойиди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда замонавий кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш, билимий ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда алоҳида таъкидланганидек, замон талаби, ислохотлар шиддатига мос кадрлар тайёрлашимиз керак. Келажакимиз, эртанги кунимиз бу масалани бугун қандай ҳал қилишимизга боғлиқ...

ОЛИЙ ТАЪЛИМ:

СИФАТ ВА САМАРА

Бу юксак вазифа ўз-ўзидан мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари ва уларда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар зиммасига юклатилади.

Бугун сон эмас, сифат сўралаётган, аниқроғи, талаб қилинаётган бир пайтда олий ўқув юртлари илмий салоҳияти бош масалага айланди. Чунки фақат илм-фан ривожини воситасида бугун ҳаёт олдимизга қўяётган муаммоларни бартараф этиш мумкин.

Бунинг учун аввало халққаро тақрибларни ўрганиш ва таъбиқ этиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш, чет тилини билиш, тор қобиллардан чиқиб, жаҳон таълим ва фан тизимига интеграциялашиш зарур.

Дунё илм-фани ютуқларидан хабардорлик, халққаро талаб ва стандартларни қабул қилиш, илм-фан ривожланган марказларда ёшларни ўқитиш, тайёрлаш, ҳамкорликда илмий лойиҳаларда иштирок этиш, жаҳон миқёсида тан олинган олимларни Ўзбекистонга таклиф этиш, уларнинг илмий имкониятларидан фойдаланиш, халққаро илмий журналларда мақолалар эълон қилиш каби долзарб масалалар устида ишлашимиз, тезроқ натижага эришишимиз керак.

Бу борада бугун Фарғона давлат университетида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, университетимизда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Президент ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясининг Фарғона минтақавий филиали ҳамда «Давлатиянинг Ахборот тизимлари менежменти Олий мактабининг Фарғона шаҳридаги филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан ушбу олий таълим муассасаси филиалининг очилиши Фарғона давлат университетининг нуфузини янада юксалтирди.

Бу борадаги ишлар натижасида университет ташкилий тизимисига тегишли ўзгаришлар киритилиб, факультетлар сони 9 тадан 11 тага, кафедралар сони 27 тадан 36 тага етказилди. 2018-2019 ўқув йилидан 37 бакалаврият таълим йўналиши ҳамда 21 магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланиши йўлга қўйилди.

Педагогика-психология, мусика таълими, мактабгача таълим, зоотехника (асаларчилик), амалий математика ва информатика, агрономия (анорчилик) каби 6 янги йўналиш очилиб, мактабгача ва бошланғич таълим ҳамда зоотехника факультетлари ташкил этилди.

Жорий йилда университетимизнинг 20 нафар таъқиқотчи фаиллар бўйича фалсафа доктори (PhD), 3 нафари фан доктори (DSc) илмий даражасига эришди.

Шунингдек, университет ҳузурида 2 (филология, кимё) фалсафа доктори илмий даражасини бевурич Илмий кенгашлар фаолият олиб бориб, уларда 40 дан ортиқ фалсафа фаиллари бўйича докторлик диссертациялари (PhD) ҳимоя қилинди. 2018 йил сентябрь

ойидан бошлаб филология фанлари бўйича Илмий кенгаш фалсафа фанлари бўйича докторлик (PhD) ҳамда фан доктори (DSc) илмий даражасини бериш ваколатига эга бўлди.

Университет иқтидорли талабаларидан 4 нафари номдор Давлат стипендиялари, жумладан, 3 нафари Алишер Навоий ва 1 нафари Исмоил Қаримов номидаги давлат стипендияси совриндори бўлди.

Президентимиз қарорига мувофиқ, 2018-2019 ўқув йили учун университетдаги 34 таълим йўналишига 2050 қабул квотаси ажратилди. Жорий ўқув йили қабулида университетимизга 33762 нафар абитуриент ҳужжат топшириб, 1ўринга ўртача 11 киши даъвогарлик қилиди. Мазкур кўрсаткичлар бўйича Фарғона давлат университети республика олий ўқув юртлари ичида олдинги ўринларни банд этди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, университетимизда ижодий имтиҳонларни ота-оналар ва жамоатчилик ёрдамида адолатли, шафқатли ўтказишга жиддий эътибор қаратилди. Натижада биргина мусика йўналишига 40 нафар иқтидорли талаба қабул қилинди. Ҳозирда ушбу талабалардан иборат университет ансамбли ташкил этилди. Шунингдек, жисмоний маданият йўналишига 120 нафар (улардан 20 нафари Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионлари) талаба қабул қилинди.

Бундан ташқари, университетда узоқ йиллар самарали фаолият олиб бorgan академиклар, ўз соҳаси бўйича илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшган, илмий мактаб яратган таниқли олимларнинг ёрқин ва порлоқ хотирасини абадийлаштириш, илмий меросларини тарғиб қилиш, иқтидорли талабалар ўртасида илмий-тадқиқот ишлари, илмий мактаблар аънавларини муносиб давом эттириш мақсадида стипендиялар таъсис этилди.

Университет илмий кенгаши қарорига мувофиқ, 6 нафар иқтидорли талабамиз академик Авлиёхон Мухаммадиев, академик Ганижон Абдурахмонов, Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров ҳамда юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилишда мардлик ва жасурлик кўрсатган Бобур Ганиев номидаги университет стипендияларига сазовор бўлдилар.

Фарғона давлат университети хориждаги 36 олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик бўйича шартнома ва меморандумлар имзолаган.

Университетнинг ўқув, илмий жараёнларига 25 мамлакатдан профессор-ўқитувчилар жалб қилинди ҳамда университетимизнинг 18 нафар профессор-ўқитувчиси малака ошириш, 2 нафари магистратурага хорижа юборилди. Бу ҳамкорликлар универститетда таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Равшан МАҚСУДОВ,
Фарғона давлат университети ректори.

*Yangi yilingiz
bilan tabriklaymiz!*
2019

 **Infin BANK**

Хизматлар лицензияланган.

UZMAL «ЎзМалОил»
Ўзбекистон – Малайзия
қўшма корхонаси жамоаси

Мамлакатимиз аҳолиси, ҳамкорларини
ҳамда юртимиз меҳмонларини
Янги йил айёми билан самимий
муборакбод этади.
Янги йил барчангизга
қутлуғ келган бўлсин!



Маҳсулотлар сертификатланган.

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни кириб келаётган
Янги — 2019 йил билан самимий
муборакбод этамиз!
Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт,
тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизга миллий
валютадаги куйидаги омонат турларини таклиф этамиз:

«Инсон манфаати» —
омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача,
фоиз ставкаси йиллик 19%.

«Жонажон Ватан» —
омонат муддати — 7 ойдан 13 ойгача,
фоиз ставкаси йиллик 17 %.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб
берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоққурилишбанк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Мурожаат учун: (+99878) 150-72-58, 150-93-39, www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
▶ Водовозы — 4, 8, 12 м³.
▶ Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
▶ Комбинированные поливочные машины — 4, 8 м³.

▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
▶ Автогудронаторы — 6, 8 м³.
▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвалный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Saidkamol XODJAYEV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-38-55, (71)233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1238. 6332 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21:45.

Topshirilgan vaqti — 02:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7433



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун
QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5